

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

АГЗАМХОДЖАЕВА САИДА САИДАМИНОВНА

**РОЗАЦЕА ПАТОГЕНЕЗИ ВА КЛИНИК КЕЧИШИДА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ВА ИММУНОБИОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy science (DSc)

Агзамходжаева Саида Саидаминовна Розацеа патогенези ва клиник кечишида молекуляр-генетик ва иммунобиологик механизмлари.....	3
Агзамходжаева Саида Саидаминовна Молекулярно-генетические и иммунобиологические механизмы в патогенезе и клиническом течении розацеа.....	29
Agzamxodjayeva Saida Saidaminovna Molecular-genetic and immunobiological mechanisms in the pathogenesis and clinical course of rosacea.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	62

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

АГЗАМХОДЖАЕВА САИДА САИДАМИНОВНА

**РОЗАЦЕА ПАТОГЕНЕЗИ ВА КЛИНИК КЕЧИШИДА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ВА ИММУНОБИОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.37 – Аллергология ва иммунология

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/Tib582 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ((www.immuno.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Хегай Татьяна Рудольфовна
тиббиёт фанлари доктори

Азизов Баходир Садыкович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Исмаилова Гули Аминджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Уразметова Маиса Дмитриевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайтов Кахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12. 2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025-й «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация автореферати 2025-йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025-йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмоилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фанлар доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда полиэтиологик дерматологик патологиялар тиббиёт соҳасида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Розацеа этиопатогенезини кўп омилли – иммунологик, метаболик ва генетик омилларнинг ўзаро таъсири билан изоҳлаш мумкин. Мутахассислар маълумотига кўра, «...узоқ муддат давом этган тери касалликлари тизимли иммун ва метаболик бузулишларни келтириб чиқаради»¹. Розацеа тарқалиш даражаси 2–22 % гача ўзгариб, асосан I–II тери турига эгалар ва 30–50 ёшдаги аёлларда учрайди; қора ранги терига эга одамларда эса тахминан 4 % ни ташкил этади. Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан, теридаги яллиғланиш жараёнлари ва метаболик касалликлар ўртасидаги патогенетик муносабатлар тўлиқ аниқланмаган. Иммун яллиғланишнинг ролини инобатга олган ҳолда эрта ташхис қўйиш, даволашни тўғрилаш ва амалиётга жорий этиш усуллари барқарор терапевтик таъсир учун муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида дерматологик касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва комплекс даволашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Шу муносабат билан, розацеа патогенезини шакллантирувчи биохимик ва иммуногенетик кўрсаткичларни аниқлаш, иммуногенез маркерларини ўрганиш, барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш ҳамда шахсийлаштирилган терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Шундай қилиб, розацеани барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактика қилишга қаратилган инновацион усуллари такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш дерматология ва иммунология соҳасидаги мутахассислар олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари ўртасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш, айниқса, болалар учун соғлом муҳит яратиш, шунингдек, дерматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, розацеа билан касалланган беморларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш каби учун узоқ муддатли тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди.

¹ Farshchian M, Daveluy S. Rosacea. In: StatPearls Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2025 Jan-. Available from: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK557574>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 31-июлдаги 563-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Розацеа патогенезининг иммунологик механизмлари ва хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of California, San Francisco (АҚШ); University of Oxford (Буюк Британия); Hokkaido University (Япония); Mahidol University (Таиланд); Shiraz University of Medical Sciences (Эрон); Sun Yat-sen University (Хитой); University of São Paulo (Бразилия); Medical University of Graz (Австрия); University of Helsinki (Финляндия); University of Western Australia (Австралия); Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон) каби етикчи тиббиёт марказларида олиб борилмоқда.

Жаҳонда розацеани ташхислаш ва даволашга оид бир қатор илмий натижалар қўлга киритилган, жумладан: розацеа билан касалланган беморлар эпидермисда Toll-сингари рецептор 2 (TLR2) ва антимикроб пептид LL-37 экспрессиясининг кескин ошиши аниқланган бўлиб, бу ҳолат терининг сурункали яллиғланиш жараёнини кучайтириши мумкинлиги қайд этилган (University of California, San Francisco, АҚШ); шунингдек, IL-17 ва TNF- α сингари яллиғланишга ҳос цитокинларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ucsf.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.hokudai.ac.jp>, <https://mahidol.ac.th>, <https://www.sums.ac.ir>, <https://www.sysu.edu.cn>, <https://www.usp.br>, <https://www.medunigraz.at>, <https://www.helsinki.fi>, <http://dermatovenerology.uz>, <http://www.tpmi.uz>, <http://www.immuno.uz> ва бошқа манбалар.

нейтрофиллар инфльтрацияси ва васкуляр ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган (University of Oxford, Буюк Британия; Hokkaido University, Япония); тери микробиомасидаги дисбиоз, хусусан *Demodex folliculorum* ва *Staphylococcus epidermidis* зотларнинг кўпайиши яллиғланиш жараёнларини кучайтириши ҳамда касалликнинг сурункали тус олишига ёрдам бериши кўрсатилган (Mahidol University, Таиланд; Shiraz University of Medical Sciences, Эрон); TLR2 ва HLA-DRB1 генларидаги полиморфизмлар розацеанинг оғир шакллари ривожлантириш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган бўлиб, бу эса хавф гуруҳларини генетик скрининг қилиш имконини яратган (Sun Yat-sen University, Хитой; University of São Paulo, Бразилия); касалликнинг фаоллиги ва оғирлигини унинг эрта босқичларида башорат қилиш имконини берадиган каминвазив биокимёвий маркерлар – MMP-9, VEGF ва LL-37нинг қон зардобидеги даражалари аниқланган (Medical University of Graz, Австрия; University of Helsinki, Финляндия; University of Western Australia, Австралия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида розацеани ташхислаш ва даволаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда, хусусан: турли этник ва фототипдаги шахсларда касаллик ривожланиш хавфини аниқлаш; оғир клиник формалар шаклланишига ирсий ва генетик мойилликни баҳолаш; теридаги яллиғланиш ва қон томирлар билан боғлиқ ўзгаришларни кучайтирувчи иммунологик, цитокин ва микробиом омилларини ўрганиш; касалликни барвақт ва аниқ аниқлашга ёрдам берадиган биокимёвий, иммуногенетик ва кам инвазив молекуляр маркерларни аниқлаш; беморнинг индивидуал профилини ҳисобга олган ҳолда оптимал терапевтик алгоритмларни ишлаб чиқиш ва валидация қилиш; аҳоли орасида розацеа тарқалиши ва оғирлигини камайтириш учун профилактик стратегиялар ва таъсирчан чора-тадбирларни такомиллаштириш каби илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, розацеа патогенезида иммунологик ўзгаришлар ҳал қилувчи роль ўйнайди ва сўнгги йилларда олиб борилган бир қатор тадқиқотлар ушбу касалликка чалинган беморларда иммуноглобулинлар IgA ва IgG даражалари сезиларли даражада ошиши ҳамда Т-лимфоцитлар субпопуляциясида ($CD3^+$, $CD4^+$, $CD8^+$, $CD4^+/CD8^+$ нисбати) ўзгаришлар кузатилишини тасдиқламоқда (Smith A. et al., 2021; Chen Y. et al., 2022). Ушбу маълумотлар розацеанинг бошланғич босқичлари аниқ ифодаланган тизимли иммун жавоблари билан кечиши ва бу реакциялар касалликнинг оғирлик даражаси ҳамда беморларнинг этник келиб чиқишига қараб фарқ қилиши мумкинлигидан далолат беради.

Розацеада иммун жавоби ва қон томирлар билан боғлиқ ўзгаришларни боғловчи асосий механизмлардан бири – бу NLRP3-инфламмасоманинг фаоллашуви ва ундан сўнг IL-1 β ва IL-18 цитокинларининг ишлаб чиқилиши бўлиб, бу ҳолат IL-17 ва TNF- α каби яллиғланишга ҳос цитокинлар экспрессиясини кучайтиради (Zhao X. et al., 2022; Müller S. et al., 2023). Ушбу медиаторларнинг кўпайиб ишлаб чиқарилиши нейтрофиллар инфльтрациясига ва теридаги микротомирлар ўтказувчанлигининг ошишига

олиб келади, бу клиник жиҳатдан қизариш ва телеангиэктазиялар кўринишида намоён бўлади.

Розацеа патогенезининг қўшимча бўғини сифатида эпидермиснинг тўсик функциясининг бузилиши ҳамда калликреин-5 фаоллигининг ортиши ва инсоляциядан сўнг D витамини миқдорининг ошиши натижасида антимикроб пептид LL-37 даражасининг бир неча баробар кўтарилиши ҳисобланади (Johnson M. et al., 2021; Lee S. et al., 2022). Бир вақтнинг ўзида тери микробиомасидаги дисбиоз, хусусан *Demodex folliculorum*нинг кўпаяши, яллиғланиш жараёнларини кучайтиришига ва касалликнинг сурункали тус олишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти розацеанинг алоҳида иммунологик ёки микробиом жиҳатларини тавсифлашга қаратилганлигига қарамасдан, бироқ турли популяция вакилларида генетик полиморфизмлар, иммун жавоблари ва тери микробиомаси ўртасидаги ўзаро боғланишларни комплекс ўрганиш етарлича ривожланмаган. Аниқ ташхис белгиларини ҳамда шахсийлаштирилган даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, жумладан ўзбек популяциясини қамраб олган ҳолда, кўп марказли тадқиқотларни давом эттиришга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Кўп омилли касалликлар учун хавф ёки ҳимоя билан боғлиқ «индивидуал йўналтирилган» биомаркер омилларини комплекс излаш» (2021–2024 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – розацеа патогенези ва клиник кечишида молекуляр-генетик ва иммунобиологик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли ёш гуруҳларига мансуб розацеа билан касалланган беморларнинг асосий дерматологик белгиларини ажратган ҳолда комплекс клиник тавсифини ўтказиш ва йўлдош соматик патологияларни касалликнинг оғирлиги ва клиник кечишига таъсирини баҳолаш;

яллиғланишли иммунологик биомаркерлар даражаси ва розацеанинг турли клиник шакллари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш асосида уларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

қондаги гомоцистеин даражаси билан розацеанинг оғирлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғланишни баҳолаган ҳолда касалликнинг потенциал биокимёвий маркерларни аниқлаш;

гемостазнинг тромбоцитар қисм генлари ва фолат цикли генлари полиморфизм аллел вариантлари билан розацеанинг клиник хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиш;

гемостазнинг тромбоцитар қисм генлари ва фолат цикли генларидаги полиморфизмлар ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда розацеа касаллигининг

шаклланиши ва клиник кечишининг иммуногенетик механизмларини ўртнатиш;

генетик, иммунологик ва биокимёвий маркерларнинг интегратив таҳлили асосида розацеанинг оғир шакллари ривожланиш хавфини башорат қилиш имконини берадиган интегратив иммуногенетик ташхис алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019–2022 йиллар давомида Республика клиник тери-таносил шифохонасида даволанган розацеанинг турли клиник шаклларига эга бўлган 18 ёшдан 83 ёшгача бўлган ҳар иккала жинс вакилларида иборат 135 нафар беморлар ҳамда назорат гуруҳи сифатида жалб этилган 40 нафар соғлом шахс олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида розацеа билан касалланган ва амалий соғлом шахслардан биокимёвий, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун мўлжалланган веноз қони ва қон зардоби намунаси олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, иммунологик, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор розацеа билан касалланган беморларда PLT, PLR, NLR, SII, IgA, CD8⁺ даражалари ва CD4⁺/CD8⁺ нисбатининг ошиши тизимли яллиғланишнинг кучайганини акс эттириши ва касалликнинг клиник кечиш оғирлигини баҳолашда прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

илк бор розацеа билан касалланган беморларнинг қон зардобида гомоцистеин, фолий кислотаси ва В₁₂ витамини кўрсаткичларида статистик жиҳатдан ишончли фарқлари кўрсатилган бўлиб, ушбу маркерлар касалликнинг оғирлик даражасини башорат қилишда қўшимча мезонлар сифатида хизмат қилиши мумкинлиги исботланган;

илк бор гемостазнинг тромбоцитар бўғини генлари (ITGB3:1565 T>C ва PAI-1 –675 5G>4G) ҳамда фолат алмашинувига оид генлар (MTHFR 677 C/T ва MTHFR 1298 A/C) полиморфизмининг аллел вариантлари розацеанинг оғир шаклларида ривожланириш хавфи билан статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги аниқланган;

илк бор розацеанинг хос бўлган биокимёвий, иммунологик ва генетик маркерлардаги (гомоцистеин миқдорининг ортиши, В₁₂ витамини ва фолий кислота дефицити, PLT, PLR, SII, IgG, CD4⁺/CD8⁺ каби системали яллиғланишнинг ошиши ва MTHFR 677 C/T, MTHFR 1298 A/C, ITGB3:1565 T>C, PAI-1 –675 5G>4G каби полиморфизмларнинг мавжудлиги) специфик ўзгаришлар билан тавсифланадиган иммунологик, метаболик ва гематологик бўлган асосий патогенетик компонентлари аниқланган;

илк бор розацеанинг оғирлик даражасини башорат қилиш учун биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва клиник кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган, юқори диагностик аниқликка (сезувчанлик – 88%, маҳсуслик – 85%, изоҳланган дисперсия – 71,3%) эга интегратив иммуногенетик усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

розацеанинг оғир шакллари аниқлаш ва прогноз қилишда қон зардобадаги иммун яллиғланиш биомаркерлари (PLT, PLR, NLR, SII, IgA, CD8⁺, CD4⁺/CD8⁺) даражаларини аниқлаш зарурлиги исботланган;

розацеа билан касалланган беморларда асоратларни эрта диагностика қилиш учун гомоцистеин, фолий кислотаси ва В₁₂ витамини даражаларининг комплекс таҳлилининг прогностик маркер сифатида қўллаш асосланган;

гемостазнинг тромбоцитар қисм генлари (ITGB3:1565 Т/С ва PAI-1 –675 4G/4G rs1799889) ҳамда фолат алмашинуви (MTHFR 677 С/Т ва MTHFR 1298 А/С) генларининг ёмон оқибатли вариантлари розацеанинг оғир шакллари ривожланиш хавфини баҳолашда прогностик мезонлар сифатида хизмат қилиши исботланган;

розацеа ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни эрта аниқлаш ва шахсийлаштирилган даволаш тактикасини шакллантириш имконини берадиган диагностик аниқлиги юқори бўлган интегратив иммуногенетик усулдан фойдаланиш самарадор эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, розацеа билан касалланган беморларда системали яллиғланиш индикаторлари (PLT, PLR, NLR, SII, IgA, CD8⁺, CD4⁺/CD8⁺ нисбати), метаболик маркерлер ҳамда ITGB3:1565 Т>С, PAI-1 –675 5G>4G, MTHFR 677 С/Т ва MTHFR 1298 А/С полиморфизмлари касаллик оғирлиги билан ишончли боғлиқлиги аниқланлиги, иммунологик, метаболик ва гематологик бўлган асосий патогенетик компонентларнинг микдорий тақсимоти тузилганлиги, ушбу кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган, сезувчанлиги 88%, махсуслиги 85% ва изоҳланган дисперсияси 71,3% бўлган интегратив иммуногенетик диагностика алгоритми ишлаб чиқилганлиги, бу эса беморларни устувор патогенезга кўра эрта стратификация қилиш, касаллик оғирлигини башорат қилиш ва персоналлаштирилган яратиши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти розацеанинг оғир шакллари аниқлаш ва прогноз қилишда қон зардобадаги иммун яллиғланиш биомаркерлари даражаларини аниқлаш зарурлиги исботланганлиги, асоратларни эрта диагностика қилиш учун гомоцистеин, фолий кислотаси ва В₁₂ витамини даражаларининг комплекс таҳлилининг прогностик маркер сифатида қўллаш асосланганлиги, гемостазнинг тромбоцитар қисм генлари (ITGB3:1565 Т/С ва

PAI-1 –675 4G/4G rs1799889) ҳамда фолат алмашинуви (MTHFR 677 C/T ва MTHFR 1298 A/C) генларининг ёмон оқибатли вариантлари розацеанинг оғир шакллари ривожланиш хавфини баҳолашда прогностик мезонлар сифатида хизмат қилиши исботланганлиги ҳамда диагностик аниқлиги юқори бўлган интегратив иммуногенетик усулдан фойдаланиш самарадор эканлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Розацеанинг патогенези ва клиник кечишига оид молекуляр-генетик, иммунологик ва метаболик механизмларни аниқловчи илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор розацеа билан касалланган беморларда PLT, PLR, NLR, SII, IgA, CD8⁺ даражалари ва CD4⁺/CD8⁺ нисбатининг ошиши тизимли яллиғланишнинг кучайганини акс эттириши ва касалликнинг клиник кечиш оғирлигини баҳолашда прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланганлиги «Розацеани эрта ташхислаш услублари» услубий тавсияномада (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 12-сентябрда 8-р/1462-сонли баённома билан тасдиқланган) келтирилган. Мазкур таклиф Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «Immunogen Test» илмий-диагностик поликлиникасининг 2023-йил 13-августдаги 53-Т-сонли буйруғи билан билан амалиётган жорий этилган. «Тромбоцитар тизим ва фолат алмашинуви генларининг комплекс таҳлили асосида розацеа ривожланиш хавфини диагностика қилиш» (ТошДСИ Эксперт кенгашида 2024-йил 6-июлида DSc3u-04-з/15-сон хулосаси) услубий тавсияномаси Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «МОДУС» тиббиёт марказининг 2023-йил 26-июлдаги 12-Т-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 24-декабрдаги 10/81-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* розацеа билан касалланган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратларининг камайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда даволаниш ва стационарда ётиш муддатларининг қисқариши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий аҳамиятни оширади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши розацеани эрта аниқлаш ва унинг кечишини назорат қилиш имконини бериб, бу бир нафар бемор учун даволаш харажатларини 624000 сўмга қисқартириши, шунингдек, стационарда ётиш кунлари сонининг камайиши орқали 1765000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. *Хулоса:* розацеа билан касалланган беморларда PLT, PLR, NLR, SII, IgA, CD8⁺ даражалари ва CD4⁺/CD8⁺ нисбатининг ошиши тизимли яллиғланишнинг кучайганини ва клиник кечиш оғирлигини баҳолашда прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор розацеа билан касалланган беморларнинг қон зардобида гомоцистеин, фоллий кислотаси ва В₁₂ витамини кўрсаткичларида статистик жиҳатдан ишончли фарқлари кўрсатилган бўлиб,

ушбу маркерлар касалликнинг оғирлик даражасини башорат қилишда қўшимча мезонлар сифатида хизмат қилиши мумкинлиги исботланганлиги «Розацеани эрта ташхислаш услублари» услубий тавсияномада (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиллиги томонидан 2022-йил 9-декабрда 8-р/1462-сонли баённома билан тасдиқланган) келтирилган. Мазкур таклиф Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «Immunogen Test» илмий-диагностик поликлиникасининг 2023-йил 13-августдаги 53-Т-сонли буйруғи билан билан амалиётган жорий этилган. «Тромбоцитар тизим ва фолат алмашинуви генларининг комплекс таҳлили асосида розацеа ривожланиш хавфини диагностика қилиш» (ТошДСИ Эксперт кенгашида 2024-йил 6-июлида DSc3u-04-з/15-сон хулосаси) услубий тавсияномаси Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда медицинском центре «МОДУС» тиббиёт марказининг 2023-йил 26-июльдаги 12-Т-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 24-декабрдаги 10/81-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: розацеа билан касалланган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратларининг камайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда даволаниш ва стационарда ётиш муддатларининг қисқариши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий аҳамиятни оширади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши розацеани эрта аниқлаш ва унинг кечишини назорат қилиш имконини бериб, бу бир нафар бемор учун даволаш харажатларини 624000 сўмга қисқартириши, шунингдек, стационарда ётиш кунлари сонининг камайиши орқали 1765000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. *Хулоса*: розацеа билан касалланган беморларнинг қон зардобида гомоцистеин, фолий кислотаси ва В₁₂ витамини кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари касалликнинг оғирлик даражасини башорат қилишда қўшимча мезонлар сифатида хизмат қилиши мумкинлиги аниқланган;

учинчи илмий янгилик: илк бор гемостазнинг тромбоцитар бўғини генлари (ITGB3:1565 T>C ва PAI-1 -675 5G>4G) ҳамда фолат алмашинувига оид генлар (MTHFR 677 C/T ва MTHFR 1298 A/C) полиморфизмининг аллел вариантлари розацеанинг оғир шакллариининг ривожланириш хавфи билан статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги аниқланганлиги «Розацеани эрта ташхислаш услублари» услубий тавсияномада (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиллиги томонидан 2022-йил 12-сентябрда 8-р/1462-сонли баённома билан тасдиқланган) келтирилган. Мазкур таклиф Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «Immunogen Test» илмий-диагностик поликлиникасининг 2023-йил 13-августдаги 53-Т-сонли буйруғи билан билан амалиётган жорий этилган. «Тромбоцитар тизим ва фолат алмашинуви генларининг комплекс таҳлили асосида розацеа ривожланиш хавфини диагностика қилиш» (ТошДСИ Эксперт кенгашида 2024-йил 6-июлида DSc3u-04-з/15-сон хулосаси) услубий

тавсияномаси Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда медицинском центре «МОДУС» тиббиёт марказининг 2023-йил 26-июльдаги 12-Т-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 24-декабрдаги 10/81-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* розацеа билан касалланган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратларининг камайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда даволаниш ва стационарда ётиш муддатларининг қисқариши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий аҳамиятни оширади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши розацеани эрта аниқлаш ва унинг кечишини назорат қилиш имконини бериб, бу бир нафар бемор учун даволаш харажатларини 624000 сўмга қисқартириши, шунингдек, стационарда ётиш кунлари сонининг камайиши орқали 1765000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. *Хулоса:* гемостазнинг тромбоцитар бўғини генлари ва фолат алмашинувига оид генлар полиморфизмининг аллел вариантлари розацеанинг оғир шакллариининг ривожланириш хавфи билан статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги аниқланган;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор розацеанинг хос бўлган биокимёвий, иммунологик ва генетик маркерлардаги (гомоцистеин миқдорининг ортиши, В₁₂ витамини ва фолий кислота дефицити, PLT, PLR, SII, IgG, CD4⁺/CD8⁺ каби системали яллиғланишнинг ошиши ва MTHFR 677 C/T, MTHFR 1298 A/C, ITGB3:1565 T>C, PAI-1 –675 5G>4G каби полиморфизмларнинг мавжудлиги) специфик ўзгаришлар билан тавсифланадиган иммунологик, метаболик ва гематологик бўлган асосий патогенетик компонентлари аниқланганлиги «Розацеани эрта ташхислаш услублари» услубий тавсияномада (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 12-сентябрда 8-р/1462-сонли баённома билан тасдиқланган) келтирилган. Мазкур таклиф Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «Immunogen Test» илмий-диагностик поликлиникасининг 2023-йил 13-августдаги 53-Т-сонли буйруғи билан билан амалиётга жорий этилган. «Тромбоцитар тизим ва фолат алмашинуви генларининг комплекс таҳлили асосида розацеа ривожланиш хавфини диагностика қилиш» (ТошДСИ Эксперт кенгашида 2024-йил 6-июлида DScЗи-04-з/15-сон хулосаси) услубий тавсияномаси Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда медицинском центре «МОДУС» тиббиёт марказининг 2023-йил 26-июльдаги 12-Т-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 24-декабрдаги 10/81-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* розацеа билан касалланган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратларининг камайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда даволаниш ва стационарда ётиш

муддатларининг қисқариши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий аҳамиятни оширади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши розацеани эрта аниқлаш ва унинг кечишини назорат қилиш имконини бериб, бу бир нафар бемор учун даволаш харажатларини 624000 сўмга қисқартириши, шунингдек, стационарда ётиш кунлари сонининг камайиши орқали 1765000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. *Хулоса*: розацеанинг хос бўлган биокимёвий, иммунологик ва генетик маркерлардаги специфик ўзгаришлар билан тавсифланадиган иммунологик, метаболик ва гематологик бўлган асосий патогенетик компонентлари аниқланган;

бешинчи илмий янгилик: илк бор розацеанинг оғирлик даражасини башорат қилиш учун биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва клиник кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган, юқори диагностик аниқликка (сезувчанлик – 88%, маҳсуслик – 85%, изоҳланган дисперсия – 71,3%) эга интегратив иммуногенетик усули ишлаб чиқилганлиги «Розацеани эрта ташхислаш услублари» услубий тавсияномада (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 12-сентябрда 8-р/1462-сонли баённома билан тасдиқланган) келтирилган. Мазкур таклиф Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда «Immunogen Test» илмий-диагностик поликлиникасининг 2023-йил 13-августдаги 53-Т-сонли буйруғи билан билан амалиётган жорий этилган. «Тромбоцитар тизим ва фолат алмашинуви генларининг комплекс таҳлили асосида розацеа ривожланиш хавфини диагностика қилиш» (ТошДСИ Эксперт кенгашида 2024-йил 6-июлида DSc3u-04-з/15-сон хулосаси) услубий тавсияномаси Республика тери-таносил клиник шифохонасининг 2023-йил 4-сентябрдаги 25-Р-сонли буйруғи ҳамда медицинском центре «МОДУС» тиббиёт марказининг 2023-йил 26-июльдаги 12-Т-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024-йил 24-декабрдаги 10/81-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: розацеа билан касалланган беморларда клиник ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш усулидан фойдаланиш касаллик асоратларининг камайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда даволаниш ва стационарда ётиш муддатларининг қисқариши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий аҳамиятни оширади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши розацеани эрта аниқлаш ва унинг кечишини назорат қилиш имконини бериб, бу бир нафар бемор учун даволаш харажатларини 624000 сўмга қисқартириши, шунингдек, стационарда ётиш кунлари сонининг камайиши орқали 1765000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. *Хулоса*: розацеанинг оғирлик даражасини башорат қилиш учун биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва клиник кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган, юқори диагностик аниқликка эга интегратив иммуногенетик усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, улардан, 10 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти тавсия боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 216 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, илмий тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Розацеа этиопатогенези, ривожланишининг молекуляр-генетик асосларига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий нашрларда розацеа эпидемиологияси, этиологияси, ривожланишининг патогенетик жиҳатлари, клиник кечиши бўйича замонавий адабиётлар таҳлили тақдим этилган, муаммони ўрганилганлик даражаси, розацеанинг оғир шаклларини ривожланишида генетик ва иммунологик омилларнинг роли аниқланган. Патогенезининг иммунологик ва молекуляр-генетик механизмлари, шу жумладан иммунорегуляцияда ва розацеа ривожланиш механизмида цитокинларнинг роли кўриб чиқилган. Розацеа ривожланишига ҳисса қўшадиган хавф омиллари таҳлил қилинган. Таҳлилий шарҳ тақдим этилган ишнинг долзарблигини асослаш имконини берган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида розацеа билан касалланган 135 беморнинг умумий тавсифи берилган. Розацеа билан турли подтиплардаги текширилган беморлар ёши 18 ёшдан 83 ёшгача бўлди, ўртача ёши $44,1 \pm 15,5$ ёш. Улардан 58,5 %ни аёллар ва 41,5%ни эркеклар ташкил этган. Барча беморларда ёши, жинси, касалликнинг давомийлиги ва йўлдош патологияни ҳисобга олган ҳолда касалликнинг клиник кечишининг табиати ўрганилди. Беморларнинг ёши бўйича 18 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар 45,2%, 41 ёшдан 59 ёшгача бўлганлар - 36,3% ва 60 ва ундан юқори ёшдагилар 18,5% нафардан иборат бўлди. Розацеанинг давомийлиги ҳар хил бўлди ва 3 ойдан 22 йилгача давомийликни ташкил қилди. Розацеанинг

Америка дерматология академиясининг таснифига кўра, эритематоз-телангиэктатик тури 39,2% беморларда аниқланди, папуло-пустулез тури – 55,6%да қайд қилинди, 5,2%да ринофима аниқланди.

Тадқиқотда қуйидаги текширув усуллари ўтказилди:

- клиник тадқиқот усуллари билан розацеа клиник кўринишлари оғирлик даражасини аниқлаш;

- иммунологик - умумий қон таҳлили маълумотларига асосланиб IgA, IgG, CD3+, CD4+, CD8+, CD4+/CD8+, PLR, NLR и SII индекслари;

- биокимёвий - қон зардобдаги гомоцистеин, фолат кислота ва B12 витамини даражаси аниқланди;

- молекуляр-генетик - реал вақт режимида полимераза занжири реакциясини ўтказиш орқали ўрганилаётган намунадаги фолат алмашуви генларининг ва гемостазнинг тромбоцитар қисми генларининг полиморфизмини генотиплаш.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компьютерида Microsoft Оффисе Excel-2010 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди, жумладан, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент мезони ёрдамида баҳоланди ва Пирсона ва Спирмена коэффициентлари ёрдамида ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун корреляцион таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотлар SPSS ва R дастурларида тузилган графиклар ёрдамида визуализация қилинди, бу эса тадқиқот натижаларини яхшироқ таҳлил қилиш ва шарҳлаш имконини берди.

Диссертациянинг «Розацеа клиник кечишининг хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида розацеа клиник кечишининг характери тасвирланган. Розацеа клиникаси ва кечишининг хусусиятлари 135 беморда ўрганилди. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 83 ёшгача бўлди ва ўртача $44,1 \pm 15,5$ ёшни ташкил қилди, уларнинг катта улушини (45,2%) 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган беморлар ташкил қилди. Розацеа билан касалланганлар орасида аёллар устунлик қилди (58,5% га нисбатан 41,5%). Қишлоқ аҳолиси орасида розацеа шаҳар аҳолисига қараганда 1,2 барабар кўп учради (55,6% га нисбатан 44,4%). Касалликнинг давомийлиги бир неча ойдан 22 йилгача бўлди, ва ўртача 6,8 йилни ташкил этди. Касаллик муддати 1 йилдан 5 йилгача бўлган беморлар катта улушни (65,3%) ташкил қилди. Беморларнинг аксарияти уй бекалари, ишчилар ва хизматчилар эди (мос равишда 41,1%, 23,3% ва 23,3%). Клиник жиҳатдан биз кузатаётган беморларнинг аксариятида (55,6%) дерматознинг оғир шакли, яни папуло-пустулез тури ташхисланди. Беморларнинг 39,2%да розацеанинг эритематоз-телангиэктатик тури, 5,2% да ринофима кузатилди. Анамнестик маълумотларни таҳлил қилганда, розацеа билан оғриган 135 бемор орасида 58%да ирсий омил аниқланди.

Касалликнинг бошланиши ёки кучайишига сабаб бўлган асосий омилларни таҳлил қилганда, 135 бемордан 27 (20%) бемор иссиқ ҳаво таъсирини қайд этди, 21 (15,5%) беморлар розацеа бошланиши ёки кучайишини стрессли вазиятлар билан боғлашди, 20 (14,8%) – қуёш нури

таъсири билан, 15 (11,1%) – алиментар фактор билан, 13 (9,6%) – косметик воситаларни ишлатиш билан, 8 (5,9%) – тумов билан боғлашди, 9 (6,7%) бемор дерматознинг бошланиши ёки кучайиши сабабини кўрсата олмади.

Розацеанинг маҳаллий кўринишлари орасида энг кўп учрайдиган эритема (100%) ва телеангиэктазия (85,2%) бўлган. Кейинги кенг тарқалган папулалар (55,6%) ва пустулалар (48,0%) бўлди. 5,2% ҳолларда кузатилган беморларда бурун соҳасидаги инфильтрация кўринишидаги ринофима ташхиси қўйилди (1-жадвал).

1-жадвал

Розацеа клиник кўринишининг хусусиятлари

Белгиси	Тадқиқот гуруҳи (n= 135)	Назорат гуруҳи (n=40)
Розацеа тури: ЭТТ	53 (39,2%)	
ППТ	75 (55,6%)	
Ринофима	7(5,2%)	
Ёши-йил	44,1±15,5	45,2±9,1
Эркак жинси – абс (%)	56 (41,5%)	22 (55%)
Аёл жинси – абс (%)	79 (58,5%)	18 (45%)
St.localis:		
эритема – абс (%)	135 (100%)	-
телеангиэктазия – абс (%)	115 (85,2%)	-
папулалар – абс (%)	75 (55,6%)	-
пустулалар– абс (%)	65 (48,0%)	-
Ринофима – абс (%)	7(5%)	-
Локализацияси:		
ёноқлар – абс (%)	95 (70,4%)	-
пешона – абс (%)	45 (33,3)	-
бурун қанотлари – абс (%)	45 (33,3%)	-
ияги – абс (%)	20 (14,8%)	-
Шикоятлар:		
қичишиш – абс (%)	135 (100%)	-
юз худудида иссиқлик ва «қизариш» ҳисси – абс (%)	61 (60,4%)	
ёниш – абс (%)	72 (53%)	-
тортилиш ҳисси – абс (%)	67 (66,34%)	-
юқори сезувчанлик – абс (%)	35 (26%)	-

Эритематоз-телеангиэктатик шаклли беморларда клиник кўриниш турли интенсивликдаги - оч пушти рангдан бинафша-цианотик тусгача турғун эритеманинг пайдо бўлиши билан тавсифланди. Эритеманинг тарқалганлиги ҳам сезиларли даражада ўзгариб турди, 46 беморда чекланган худудларни эгаллаган, шу жумладан 38 беморда юзнинг марказий қисмида ва ёноқ соҳасида, 5 беморда ияк соҳасида ва 3 беморда бурун-ёноқ бурмалари

соҳасида. 7 нафар беморда эритема юз терисининг 70 дан 100% гача бўлган катта майдонларини қамраб олган эди. Папуло-пустулёз розацеа билан оғриган 60% беморларда касаллик ўткир кечди, зарарланиш ўчоқлари кенг тарқалган ва пешона терисида, бурун қаншари, бурун, ёноқларда, ияк ва периорбитал худудларда аниқланди. Диффуз қалинлашган тери фониди кўплаб пушти-қизил ёки кўкимтир-қизил папулалар ва 1-5 мм диаметрли қуюқ, сарғиш таркибли пустулалар кузатилди.

Субъектив сезгиларни таҳлил қилганда, 61 (45,2%) беморда юз соҳасида иссиқлик ва «қизариш» ҳисси кузатилган, терининг тортилиш ҳисси - 67 (49,6%), қичишиш - 135 (100%) ва ёниш ҳисси – 72 (53%) беморда, сезувчанлик ортиши 32 (26%) беморда кузатилди. Касалликнинг субъектив белгилари бўлмаган бирон бир бемор бўлмади.

Йўлдош касалликлар ва розацеа турли хил кичик турлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш шуни кўрсатдики, розацеа билан текширилган беморларнинг 82,2% да клиник шаклидан қатъи назар йўлдош касалликлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Розацеа шаклларига боғлиқ ҳолда йўлдош касалликлар ва уларнинг комбинацияси учраши

Йўлдош касалликлар	ЭТШ (n = 53)		ППШ (n = 75)		Ринофима (n = 7)	
	абс.	%	абс.	%	абс	%
ошқозон-ичак тракти касалликлари	9	17,0%	21	28,0%	1	14,3%
ошқозон-ичак тракти касалликлари + қандли диабет	1	1,9%	3	4,0%	1	14,3%
ошқозон-ичак тракти касалликлари ва қалқонсимон без касалликлари	5	9,4%	8	10,7%	2	28,6%
ошқозон-ичак тракти касалликлари + темир дефицитли анемия + қандли диабет	1	1,9%	1	1,3%	1	14,3%
ошқозон-ичак тракти касалликлари + темир дефицитли анемия	0	0,0%	2	2,7%	2	28,6%
қалқонсимон без касалликлари	5	9,4%	9	12,0%	3	42,9%
қандли диабет	0	0,0%	0	0,0%	0	0,0%
темир дефицитли анемия	2	3,8%	5	6,7%	0	0,0%

Энг кўп учраган ошқозон-ичак тракти ва жигар патологияси бўлиб, 31 (23%) беморда мустақил касаллик сифатида ва 27 (20%) беморларда бошқа касалликлар билан биргаликда аниқланган. 29 (21,5%) беморда астено-невротик ҳолат аниқланган Темир танқислиги анемияси - 4 (3%) беморда мустақил касаллик сифатида ва 6 (4,4%) беморда бошқа касалликлар билан

биргаликда аниқланди, қалқонсимон без касалликлари - 15 (11,1%) беморда бошқа касалликлар билан биргаликда ва 17 (12,6%) беморда мустақил касаллик сифатида аниқланган.

Энг кўп қўшма патологиялар (28,6-42,9%) ринофимада кузатилди. ППШ билан оғриган беморларда йўлдош касалликларнинг ўртача частотаси кузатилди, ЭТШ да эса бу патологияларнинг нисбатан камроқ кузатилади. Аниқланган фарқлар йўлдош тизимли касалликларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда розацеа билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда дифференциал ёндашув зарурлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «**Розацеа ривожланишида яллиғланиш маркерлари ва гомоцистеиннинг ролини таҳлил қилиш**» деб номланган тўртинчи бобнинг «Розацеа бўлган беморларининг қонида яллиғланиш маркерлари кўрсаткичларининг прогностик ролини ўрганиш» кичик бобида яллиғланиш биомаркерлари таҳлил қилинди: тромбоцитлар даражаси (PLT), нейтрофил ва лимфоцитлар нисбати (NLR), тромбоцитлар ва лимфоцитлар нисбати (PLR), розацеада тизимли иммун яллиғланиш индекси (SII), шунингдек, IgA, IgG, CD3+, CD4+, CD8+, CD4+/CD8+ кўрсаткичлари. Ушбу кўрсаткичларни умумий ва гуруҳ ичидаги қиёсий ўрганиш касалликнинг турли шакллари учун ўтказилди. Қон кўрсаткичларини ўрганиш қуйидаги кўрсаткичларда статистик жиҳатдан муҳим фарқларни ($p < 0,05$) кўрсатди: таққослаш гуруҳидаги тромбоцитларнинг умумий сони (PLT) назорат гуруҳидаги $250,3 \cdot 10^9/L$ га қараганда юқори бўлди ва $297,7 \cdot 10^9/l$ ни ташкил этди. PLR индекси таққослаш гуруҳида 169,4ни ва назорат гуруҳида 117,5ни ташкил этди, NLR индекси эса таққослаш гуруҳида 2,92 ва назорат гуруҳида 1,9 бўлди. Тизимли иммун яллиғланиш индекси (SII) асосий гуруҳда – 925,6 ни, назорат гуруҳида эса 724,1 ни ташкил қилди, бу текширилаётган гуруҳда юқори тизимли яллиғланиш мавжудлигини кўрсатади. Шундай қилиб, розацеа билан оғриган беморларда ҳамма ўрганилган кўрсаткичлари соғлом одамлар гуруҳига қараганда анча юқори эди.

Иммуноглобулинларнинг ўлчанган концентрацияси ҳам статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатади: IgA таққослаш гуруҳида 2,43 г/л ни ташкил қилди ва 1,7 г/л ни назорат гуруҳида ($p < 0,05$), IgG эса 11,84 ва 10,23 г/л ($p < 0,05$) ташкил қилди. Тадқиқот ва назорат гуруҳларидаги беморларнинг лимфоцитар иммун профилини ўрганишда лимфоцитлар даражасида сезиларли фарқлар аниқланди, яъни тадқиқот гуруҳида CD3+ миқдори 50,99% ни ташкил этди ва назорат гуруҳига қараганда кам бўлди - 59,5%. CD 4+ миқдори ҳам назорат гуруҳига қараганда - 36,5%, тадқиқот гуруҳида худди шундай паст эди - 29,42% ($p < 0,05$). CD8+ миқдори, аксинча, тадқиқот гуруҳида назорат гуруҳига (22%) нисбатан юқори (24,32%) бўлди. CD4+/CD8+ тадқиқот гуруҳида 1,24 бўлиб, назорат гуруҳидаги - 1,75 га нисбатан паст бўлди ($p < 0,05$).

Иккита кичик гуруҳларни – ЭТТ билан ППТ- таққослаш натижасида қуйидаги кўрсаткичларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди: PLT, NLR, PLR ва SII статистик жиҳатдан муҳим фарқларга эга бўлган

($p < 0,05$) (3-жадвал). Розацеанинг ЭТТга (2,59 г/л) караганда IgA таркиби папуло-пустулез турида ишончли тарзда юқори бўлди (3,61 г/л). IgG таркиби эса ППТда (11,4 г/л) ва ЭТТда (11,8 г/л) статистик жиҳатдан фарқ қилмади ($p > 0,05$). ППТ бўлган беморларда CD4+/CD8+ нисбатида (1,33) ЭТТ бўлган беморларга караганда (1,19) статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилди ($p < 0,05$). Икки асосий гуруҳни таҳлил қилиш тизимли яллиғланиш белгиларининг сезиларли даражада ошишини кўрсатди, бу касалликнинг яллиғланишли табиатини тасдиқлайди ($p < 0,05$). Ушбу кўрсаткичларни турли гуруҳ ичидаги солиштиришда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар фақат PLT, NLR, PLR, SII, IgA, CD4+/CD8+ даражасида аниқланди ($p < 0,05$).

3 -жадвал

Розацеа турли хил турлари бўлган беморларда яллиғланиш маркерларини қиёсий таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	ППТ	ЭТТ	р-кўрсаткич
PLT ($10^9/L$)	321	274	<0,05
PLR	184	153	<0,05
NLR	3,64	2,52	<0,05
IgA (г/л)	3,61	2,59	<0,05
IgG (г/л)	11,4	11,8	>0,05
SII	1189	726	<0,05
NEUT-RI	42,3	42,9	>0,05
Re-LYMPH%	0,387	0,765	<0,05
CD4+/CD8+	1,33	1,19	<0,05
IG%	0,333	0,315	>0,05
BASO%	0,322	0,329	>0,05

«Гомоцистеин даражаси ва розацеа оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик» номли иккинчи кичик бобда қон зардобиди Hcy, витамин B12 ва фолат кислотаси даражасини таҳлили, шунингдек, ушбу даражаларни розацеанинг кечиши оғирлик даражаси билан боғлиқлиги келтирилган. Розацеа билан беморларда қон зардобиди Hcy даражаси $12,4 \pm 6,8$, ни ташкил қилди, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $6,14 \pm 1,04$ $\mu\text{моль/л}$ га тенг бўлди. Бироқ, қон зардобиди B12 витамини ва фолат кислота даражаси розацеа билан оғриган беморларда назорат гуруҳидаги соғлом кишиларга караганда сезиларли даражада паст эди. Розацеа билан оғриган беморларда B12 витамини даражаси $150,3 \pm 22,5$ пг/мл ни, назорат гуруҳида эса – $198 \pm 11,4$ пг/мл ни ташкил қилди ($p = 0,011$). Розацеа билан оғриган беморларда фолат кислота миқдори $11,1 \pm 2,4$ нмоль/л , соғлом кишиларда эса – $13,4 \pm 2,1$ нмоль/л ни ташкил қилди ($p = 0,017$) (4-жадвал).

Розацеа билан оғриган беморларда Hcy даражаси розацеа оғирлик даражасига қараб сезиларли даражада фарқ қилмади ($p = 0,05$). Қон зардобидан B12 витамини ва фолат кислотаси даражаси ҳам розацеа оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлмади ($p > 0,001$). Бундан ташқари, қон зардобиди Hcy

даражаси қон зардобда фолат кислотаси ($r = -0,53$, $p < 0,001$) ва В12 витамини даражаларига ($r = -0,51$; $p < 0,001$) тескари пропорционал бўлди.

4-жадвал

Розацеа билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳининг бошланғич характеристикаси

Кўрсаткичлар	Розацеали беморлар ($n = 135$)	Соғлом назорат гуруҳидагилар ($n = 40$)	p - кўрсаткич
Гомоцистеин	$12,4 \pm 6,8$	$6,14 \pm 1,04$	0,001
В12 витамини	$150,3 \pm 22,5$	$198 \pm 11,4$	0,011
Фолат кислота	$11,1 \pm 2,4$	$13,4 \pm 2,1$	0,0173

Шундай қилиб, олинган маълумотлар розацеа патогенезида тизимли яллиғланиш белгилари ва гомосистеин, шунингдек, витамин В12 ва фолат кислота ролини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Розацеанинг молекуляр-генетик жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида гемостазнинг тромбоцитлар звеноси генлари ва фолат алмашинуви генлари ролини молекуляр-генетик тадқиқотларининг натижалари келтирилган. «Тромбоцитлар гемостази генлари полиморфизмининг розацеа ривожланиши билан боғлиқлигини таҳлил қилиш» кичик бобида қон ивиш тизимининг 8 та генининг полиморфизмларини ўрганишда, яъни розацеа билан оғриган беморларда F2:20210 G>A, F5:1691 G>A, F7:10976 G>A, F13A1:103 G>T, FGB: -455 G>A, ITGA2: 807 C>T, ITGB3: 1565 T>C, PAI-1: -675 5G>4G юзасидан олинган маълумотлари 5-жадвалда келтирилган (5-жадвал).

Ўрганилган беморларда гемостазнинг плазма звеносини ўрганишда асосан қулай генотиплар аниқланди. Текширилаётганларнинг кичик бир қисмида гетерозигот ва гомозигот ноқулай ген вариантлари топилди. Шу билан бирга, текширилганларнинг муҳим қисмида қон томир-тромбоцитлар звеносида ҳам гомозигот, ҳам гетерозигот ҳолатларида ноқулай ген вариантлари топилди. ITGB3: 1565 T>C гени бўйича тадқиқот гуруҳини назорат гуруҳи билан солиштирганда T/C генотипидаги сезиларли фарқлар аниқланди ($p < 0,05$). ITGA2: 807 C> T генини ўрганиш ва назорат гуруҳи билан таққослаш натижасида олинган маълумотлар аҳамиятли бўлмади, аммо назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқлар мавжудлиги тенденцияси кузатилди ($p = 0,07$).

Ўрганилган беморларда PAI-1: -675 5G>4G генининг 4G/4G гомозигот вариантыда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқлар аниқланди ($p < 0,05$), бу беморларда плазма фибринолитик фаоллигининг пасайишини тахмин қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, гемостаз тизимининг, хусусан, тромбоцитлар звеносининг генларини ноқулай вариантлари ITGB3: 1565 T/C rs5918 ($p = 0,04$; OR=9,1;

RR=1,3) и PAI-1: -675 4G/4G rs1799889 (p=0,03; OR=7,5; RR=1,3) ҳисобланади.

5-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларида гемостаз тизими генлари генотиплари тарқалиш частотасида фарқлар

Ген полиморфизми	Генотиплар тарқалиш частотаси					p	OR	RR
	Генотип	Таққослаш гуруҳи		Назорат гуруҳи				
		n	%	n	%			
F2:20210 G>A rs1799963	G/G	135	100	40	100	1,0	3,4	1,5
	G/A	0	0,0	0	0	-	-	-
	A/A	0	0,0	0	0	-	-	-
F5:1691 G>A rs6025	G/G	130	96,3	40	100	0,9	0,6	0,9
	G/A	5	3,7	0	0	0,9	1,5	1,1
	A/A	0	0,0	0	0	-	-	-
F7:10976 G>A rs6046	G/G	90	66,7	14	35	0,03	3,7	1,4
	G/A	45	33,3	24	60	0,07	0,3	0,8
	A/A	0	0,0	2	5	0,24	0,1	0,4
F13A1:103 G>T rs5985	G/G	105	77,8	26	65	0,3	1,9	1,2
	G/T	25	18,5	14	35	0,2	0,4	0,8
	T/T	5	3,7	0	0	0,24	1,5	1,1
FGB:-455 G>A rs1800790	G/G	90	66,7	30	75	0,6	0,7	0,9
	G/A	40	29,6	10	25	0,7	1,3	1,0
	A/A	5	3,7	0	0	0,24	1,5	1,1
